



## Садақа бериш билан мол-дунё камайиб қолмайди. Аллоҳ таоло кечиримли бўлган бандасининг иззат-шарафини зиёда қилади. Киши Аллоҳ учун тавозе қилса, Аллоҳ таоло унинг мартабасини баланд қилади» - дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Садақа бериш билан мол-дунё камайиб қолмайди. Аллоҳ таоло кечиримли бўлган бандасининг иззат-шарафини зиёда қилади. Киши Аллоҳ учун тавозе қилса, Аллоҳ таоло унинг мартабасини баланд қилади» - дедилар.

[Тўғри матн] [Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда садақа молни камайтирмаслигин, аксинча офатларни тўсишини, Аллоҳ унга катта яхшиликлар беришини баён қилдилар. Шундай қилиб озайиш эмас кўпайиш бўлади. Аллоҳ ,интиқом олишга қудрати бўлиб туриб, кечиримли бўлган бандасини иззат-шарафини зиёда қилади. Киши ўзини бировдан қўрққанидан, муғомбирлик қилиб ёки манфаат талабида эмас, балки Аллоҳ учун хокисор тутса, Аллоҳ унинг улуғворлик ва шараф билан мукофотлайди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5512>

